



ДУМБИРОБОД ДАРҒАЛАРИ

Тошкентимиз ёшларига қисқа вақт ичида қардош республикалик биродарларимиз юзлаб кўпқаватли, шинам уйлари соғва эттиди, қатор янги турар-жой массивларига асос солинди.

Думбирободнинг олиб кўралиқ. Массив бундан 4—5 йил қандай эди-ю, ҳозир қанақа? Бу ерда «Гидротехстрой»га қарашли 6-трестнинг 33-курлиши бошқармаси қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Улар ўтган қисқа вақт ичида талайгина биноларни қўлдан чиқаришди.

Биринчи участка бошлиғи Жўра Хўжаев ҳузурида. У қилинган ишлар ва янги режалар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади.

Қурувчиларимиз Думбиробод массивида 1000 ўринли икки мактаб, бўлакан шифокорларга ётоқхона ҳада этишган эди. Мақкур объектлар қурилишида, айниқса, Пётр Паршаков бошлиқ сувоқчилар бригадаси, Қондолов Станислав бошлиқ дурдорлар бригадаси, шунингдек, Миромил Ямалов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзолари жонбозлик кўрсатти.

Азаматлар тошмакорлик масаласида ҳам бошқаларга намуна кўрсатишмоқда. Янги йилдан бери 12 кубометр тахта, 126 квадратметр шифер тежаб қолди.

Дохимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиват меҳнат совғалари билан кутиб олишга шайланган участка қурувчилари ўтган йил йиллик планини 120 процент бажариб, январь ва февраль ойи тошқиниришларини ҳам муваффақиятли адо эттиди. Барча объектларини фақат «яхши» ва «аъло» баҳолабга тоширишга одатланиб қолган қурувчилар тўрт қаватли иккигина бинони астусти ойнача меҳнатнашларга соғва этинга қарор қилишган.

Ҳ. ХАСАНОВ,
Ҳ. ХАБИБУЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„БОЗОРЧИ ТРАНСПОРТЛАР“

«ОКтябрь» массивида яшовчи меҳнаткашлардан редакцияга келган бир хатини газетаимизнинг шу йил 30 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилган эдик. Унда массив аҳолисини транспорт хизмати ёмон кўрсатилмаётгани, натижада ишчи ва хизматчилар, студентлар ишга, ўқишга ўз вақтида етиб бориш учун жуда қийналаганликлари таъкид қилинган эди.

Қуйида ана шу материалга келган жавобларини босаётимиз:

«46-52-маршрутлар бўйича қатнашган автобусларнинг йўлга кам миқдорда ҳамда кечикчиб қарилмаётгани асосан турғи таъкид қилинган. Мақола коллектив ўртасида муҳокама қилиниди ва кўрсатилган маршрутларда автобус қатновини яхшилашга қаратилган кўп тадбирлар қўриб чиқилди. Ҳозир ҳар кун 46-маршрут бўйича 10 та, 52-маршрут бўйича

БУ кўркам турар-жой биносини қайси қўл қурувчилар бунёд этди экан, деб ўйлаётгандирсиз. Киев қурилиш-монтаж поездининг азаматлари пойтахтимиз аҳолисини қўлаб ана шундай чиройли бинолар ҳада эттишди. Суратда: марказий универсал магазиннинг орти томонида қад кўтарган кўпқаватли бино.

А. Абалев фотоси.

Одамнинг ёмон томонини кўриб, шартта бетида айтавериш ларшмайди. Яхши томонини ҳам кўриб билиш лозим. Сенинг ҳам ўзини одадиган яхши хислатларинг бор. У ҳам бўлса, турғи сўзлади.

Қўнғилинги келмасин-у, ҳали анча гўр йигит экансан. Бўлмаса, арзимаган гапга бригадининг билан «сен-мenga» бориб ўтирмасдинг. Шунинг унутмагинки, у сенга ҳунар ўргатапти, устозлик қилапти. Устозни бошга кўтариб юрсанг ҳам озлик қилади.

Ичкилик ичиб, ким яхшилик топибди, ука. Ирисмат насихат қилапти, дематин. Ичкилик биринчидан руҳининг сундириди, ишнинг унмайди. Ичкиликда, дустлардан ажралиб қоласан. Эҳ, сен шу одадларини ташла, гапнинг ади, тилла йигит бўлардинг!

Ҳозир сен қандай қурилиш объектларида меҳнат қилаётганини биласанми? Ўйлаб ҳам узи батафсил айтиб берадими. Кел, ўтир, мен сўзлаб бера қолар бу ҳақда.

Сергели — йўлдош шаҳарчага йратиб тарихи ўзинига аёй. Янгиликларга раҳмат! Эҳ, қўнғилинги ҳайкали бўлиб қолди, бу бинолар. Бу ҳақда гапириб ўтирмайми. Аммо шаҳарчага юксалтириш, ўйлаб сановат қорхоналари қуриш лозим. Бу юмшурин сен ва мен, трестимиз бажариши.

Биласанми, сен қураётган комбинат катталикда ўрта Осиёда ягона, СССРда учинчи ўринда туради. Бу билан фахрлансанг арзийди. Нигирма турт гектар макдоддан ўриб олади. Икки йиллик пех, ошкор ва маъмурий хона, гараж, хонашў на-терналлари сақланадиган ошкор-

Собира она ҳозир персияга чиққан. Лекин ҳеч бўш ўтирган кўрмасан.

Бир қарасангиз аёллар даврасида сўхбат қураётган, бир қарасангиз маҳалла активлари билан бирор юмуш устида бош қотираётган бўлади. Унинг табиати шунақа. Умр бўйи меҳнат қилиб ўтирганга учунми, неқсайганда ҳам тишиб-тинчиш нималигини билмайди. Ёшлар даврасига кирганида у ўз ҳаётидан, дугоналари турмушидан қизиқ-қизик ҳикоялар сўзлаб беради. Бейхитёр ўтмишини, ўша аламли йилларни эсга олади.

Собира она асли чустлик. Отаси қамбағал деҳқон эди. Тоғани ва ёши-қизишга на қийин-бошга етди. Собира ҳаётини оламли бераётган олиб кетди. Шундан кейин Собира она-си билан қўнғилин — буви-сини-кига кўчиб келишди.

Ўша йилларда ниқилоб гала-ба қозониб, қамбағалларнинг бағрига оғиб-текин, болалар учун янги мактаблар очилган эди. Собира ҳам янги ҳаёт не-матларидан баҳраманд бўлди. 1921 йилда бироз саводи чиққан, ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсни тамомлади. Ўн беш йилдан бошлаб ўзи тенгиларга дарс бера бош-лади.

Дастлабки билим уни қаноат-лантормайди. Билим ва малака-сини ошириш учун Тошкентга келиб, хотин-қизлар маорифи институтига ўқишга кирди. Институтда ҳам у ҳеч тиниб-тинчимасди. Ўқиган йўли бў-шадиган маҳалла-ма-ҳалла юриб хотин-қизлар ўрта-сида таъбиёт ишлари олиб боради.

Талабалар уни комсомол таъкилотининг секретари қилиб сайлашганда кейин жамоатчи-лик ишлари яна кўпайди. Ин-ститут деворий газетасига муҳар-рирлик қила бошлади. Ёшлар муҳаббат унда ана шу кезлар-да уйғонган бўлса, ажаб эмас.

Шу-шу Собира газета ва журналлар билан яқинлашиб қолди.

Институтда ўқиб юрган кез-ларида партияга қабул қилин-ди. Ёши шаҳар меҳнатнашлар депутатлари Советига депутат қилиб сайланди. Жамоатчилик ишларини бажариб, кўзга кў-ринди. Институтни тамомлаши

билан «Янгийўл» журналига редактор қилиб тайинланди.

Ёш журналист фақат журнал иши билан овора бўлиб қолмай, миллий мактабларда дарс ҳам бера бошлади. Чунки у пай-лар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ўқитувчи қарлар етишмас-ди. Шу босдан ҳам бир йилги бир неча йилнинг бошини тути-ши талаб этиларди. Собира жур-нал саҳифаларида босилган ма-қолаларда ҳам: мактаб ва ма-ҳаллаларда ўтказган сўхбатлар-да ҳам ўбек хотин-қизларини янги турмушга қорлади. Феода-лизм қолдиқларини қаттиқ қо-ралади. Танқидий материалла-ри мактабларда, завод қулаба-рида, қиратхона ва қизит бур-чакларда аёллар томонидан се-виб ўқиларди.

«Янгийўл»нинг тиражи даст-лабчи пайтларда катта эмас-эди. Фақат байрамлардагина беш-олти мингтага етарди. Шун-га қарамай журнал тезда кўп-мингсони ўқувчи орттирди. Ай-ни пайтда жамоатчи муҳбирлар сонин ҳам кўпайди. Айниқса журнал атрофига аёлларни тор-

тишда ёш муҳаррир кўп жон қойишди. Ойдин Собирова, Хо-сият Тиллахонова, Музафина Алаева каби ёш адибалар Со-биранинг маслаҳатдоши, кўма-қош бўлишди. Жамоатчи муҳ-бирлар М. Шермухамедова, С. Раҳимова, М. Шомансурова, Х. Тошбаева, Т. Рустанбекова ва бошқалар янги-янг мавзулар билан газетига келиб туришар-ди.

Собира Холдорова доимо из-ланарди. Янгиликлар қидира-ди, илм сўмоқлари сари дадил одимларди. У Москвада, давлат журналистика институтига ўқи-ган давларини ҳеч ёддан чи-қармайди. Ўқини йилларда унинг сависис ошди. Партия журналисти ва пропагандасти-га хос жанговарлик фазилатла-ри намойи бўлди. Айниқса На-дежда Константиновна Круп-ская билан учрашган давлар бир умрга ўчмас хотира бўлиб қол-ди, унда. Надежда Константи-новна ёш Собирани истиқбол йўлини кўрсатди.

Бу йилларда Собира жо-на-жон Ўзбекистон билан алоқа-

ни узмади. Очерк, мақола ва ҳикоялар ёзиб турди. Москва матбуотида ҳам у актив ишти-рок этиб борди. Институтни тамомлагач, ВПН (6) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюро-си уни «Шарқ ҳақиқати» газе-тасига муҳаррир қилиб тайин-лади. Ундан кейин «Ишчи» га-зетаси ва яна «Янгийўл» жур-налига редакторлик қилди. Бу давларда Собира Холдорова катта оммавий-сиёсий ва таъки-лий-тарбиявий ишлар олиб бор-ди. Миллий журналист надр-лар тайёролади ўзининг муно-сиват хиссасини қўшди. У партия ва совет ишларида меҳнат қил-ган кезларида ҳам жанговар журналист бўлиб қоларди.

Собира Холдорова ўзини пар-тиянинг солдат деб билади. Қандай ишда ишласини, ўз ол-дида қўйган мақсадни сари ит-тилади, омига партия сўзини етказди, неча-неча хотин-қиз-ларни порлоқ келажак сари етказди.

Бундай меҳри дарё аёллари-миз билан фахрлансанг арзийди.

П. ЯСТРЕБОВ.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ҲАРАКАТДА

Бу қишлоқ ҳақида гап кет-ганда, неқсалар бу ерлар илга-ри баланд-паст тепаликлар, ту-қайзорлардан иборат бўлиб, аҳолиси бугунги, пастак уйлار-да, хароба қулабаларда яшаган-лигини ҳикоя қилишди.

Шу қишлоғимизга энди йў-лингиз тушиб, маҳкамат қи-лиш. Хушмуд бўлиб қайтасиз. Шамсобиоднинг чирой очи-лишида қишлоқ Совети депутатла-рининг хиссаси катта, албатта. Бу ерда 71 депутатдан иборат соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, ободонлаштириш ва йўл қу-рилиши бўйича доимий комис-сиялар ишлаб турибди. Бу ко-миссия аъзолари қишлоқ Со-ветида тез-тез йиғилишиб, иш-планларини муҳокама қилиша-ди.

Депутат Собиржон Зокиров бошлиқ ободонлаштириш ва йўл қурилиш доимий комиссия-сининг амалга ошираётган иш-лари, айниқса диққатга сазоор-дир. Мақкур комиссия аъзолари Н. Турсунов, К. Мўминова, Х. Янғалиевлар қишлоқ меҳнат-кашларининг талаб ва эҳтиёж-ларини қондириш йўлида ти-

ниб-тинчимайдилар. Уларнинг ташаббуси билан кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, «Тошкент» совхозининг 3-бўлимидан На-зарбекка борадиган 8 кило-метр масофадан йўл асфальт-ланди. Эндиликда бу йўлдан автобус қатнаб турибди.

30-мактабга борадиган йўл ҳам жуда ёмон эди. Ёзда чап, қишда балчиқ бўлиб етарди. Ўқувчилар мактабга қатнашда жуда қийналишарди. Бу икки километр масофадан йўлга ша-ғал ётқизиш, ремонт қилин-ди.

Ўтган йил 4-бўлимда яшов-чи ўн беш ҳўжалик янги уйлار-га кўчиб киришди. Совхознинг 3 ва 4-бўлимларида яшовчи 290 хонадоннинг уйлари электрлаш-тирилди.

Шунингдек, янги типдаги меҳнурт сановат моллари билан савдо қилувчи магазин, телеско-зор ва радио тузатадиган уста-хона, сартарошхона, 100 ўрин-ли ошхона, чойхона бинолари ва бошқа маданий-мансий об-ъектлар қурилди.

В. САЙДАЛИЕВ,
Калинин райони.



В. И. Ленин Петербургда. Ишчилар туғарагининг навбатдаги йиғинида. Рассом А. Моравов чизган расмдан репродукция.

БУЮК ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ИЛБИЧ ОБРАЗИ

Ўтган асрнинг 90-йиллари. Чор

Россисини ишчилари аввасиз ақсип-атади, тенгсизлиги, жаҳолат ва ўбошичеликка қарши тез-тез беш кўтарилган пайлар. Мамла-ката марксистик туғаришлар кў-пайиб боради. Бирок, Маркс—

Энгельснинг буюк таълимотиини тарғиб этиш, умуман ишчилар қар-анати халқ тарқоқ ҳолда бўлиб, ягона оқинга қўшилимаган эди.

«Петербург атрофидаги бир иш-чининг камтарона мулбаси. Ишон-ғу тушган, ишчилар тўпланишган, Чирочинг илғили пайларининг, деразаларнинг пардаси туширил-ган. Ишчилар ўз раҳбарларининг сўзларини зўр диққат билан тинг-лашмоқда. Халқон билан сўзла-ётган бу киши 23 ёшда бўлиб, қулаари тетик, юзларидан гайрат-шимоат жўш ураётганини шун-доқ сезилиб турибди. Уни ҳамма Ичкилар ётросини деб атайд.

Чирочини мувофиқ, қўнғи соқо-ли бу кишининг ҳар бир сўзи иш-чиларга тушунарли, юрагига яқин.

Николай Петрович номини Вла-димир Ильич Ленин уша пайтлар-да — Питерда революцион иш олиб бораётганида олган эди. У 1895 йилда Петербург «Ишчилар синфини овоз қилиш учун кураш союзини тузиб, пролетар партия-сини ташкил этиш йўлида даст-лабчи қадамни қўйган эди.

Сиз кўриб турган ушбу расм атоли совет расмони Александр Виниторович Моравов (1878—1951 йиллар) мўйқаламига мансуб бў-либ, у «В. И. Ленин Петербургда ишчилар туғариш машғулоғига раҳбарлик қилмоқда» деб атала-ди. Расмда Ильичнинг Петербур-гдаги революцион фаолиятининг иди даври жуда тулақонли акс эт-тирилган.

Расмининг композицияси, унда тасвирланган кишиларнинг юз ифодаси шу қадар аниқ чиққани, бир қарашдаёқ ишчиларнинг рево-люциянинг бўлакан буюк дохисини Владимир Ильичга зўр муҳаббат ва чуқур ҳурматини пайқаб олиш мумини. Илҳининг чап ёнида, стол атрофида машҳур рус ре-волюционер Иван Васильевич Ба-бушин утирибди. У кейинчалик Чор самодержавиега қарши ку-рашда қаҳрамонларча ҳалок бўл-ди. И. В. Бабушин ўз хотирала-рида бундай деган эди.

«Лекторимиз (Ильин Владимир Ильич — Г. Г.) бу фанига бизга оғ-зани, моним тилда, ҳеч қандай афғирас, лўнда қилиб тушуни-риб беради, кўнча грамматика эътироз ёни тортишга учун иста-ди уйғотишга қаранат қиларди. Биз бу лекциялардан жуда қониқиб ҳосил қилардик ва лекторимиз-нинг ақлига ҳаммиша ҳайрон қо-лардик.

Бу сўзлар расмдаги образларни яна ҳам тўлдиради. Ушбу расм ҳозир Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейда намоиш қи-линимоқда.

Г. ГЛУЗМАН
санъатшунос.

Москва шаҳри.

ЯНГИЙЎЛДАГИ кондитер-ачитчи бирлашмаси коллективни ҳаққимизга қўлаб сифатли маҳсулотлар етказиб беришда. Меҳнатсеварлар беш иккилик-нинг турғичи йилда ҳар ян-гонидан кўп ширин-шакер маҳ-сулотлар тайёрлашга аҳд қил-ганлар. Бу борадаги дастлабчи ютуқлар қувончли бўлмақда. Барча пехларда конфетлар хи-лини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун тиним-сиз курашмоқдалар. Суратда: карамель деҳининг пешқадамла-ридан бири Қўмри Холмиева ва пех бошлиғи Қарим Холмие-зов янги автоматининг ишини кўздан кечирмоқдалар.

В. Ломовцев фотоси.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ФОРИШ ЧОРВАДОРЛАРИ ТАШАББУСИГА ҚУШИЛАМИЗ

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

Мустаҳкам ем-хашак базасини яратган чорвадорларимиз қаттиқ қишдан қорамол ва қўйларни семиз ва соғомол олиб чиқишга эришдилар. Биз унга қандай эришдик.

Ўтган йили ёзда мустаҳкам ем-хашак базаси яратилганга кўра эътибор берилди. Беш йилликнинг учинчи йилида бела, маккажўхори, лавлагдан мўл ҳосил етиштирилди. 797 гектар ерга экилган бедадан пландаги 4634 тонна ўрнига 4946,1 тонна пичан тайёрлаб, социалистик мажбурият ҳам ошириб бажарилиди. Бунда Иннокентий Ко бошлиқ беда участкаси ақойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди.

Силос учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги ҳам чакни бўлмади. Меҳнат зафарларини қўлга киритган маккажўхори-корлар аввалги йиллардагига

нисбатан анча кўп қўқоя-олди. Ҳашаки лавлагдан ҳам йилдан-йилга мўл ҳосил етиштирилди. Беш йилликнинг учинчи йилида 1800 тонна ўрнига 2034,4 тонна ҳашаки лавлаг тайёрланди. Бунёд этилган ем-хашак шў совуқ ва қўқоя-олди кетган қиш қўйларни қорамол ва қўйларга етарли озуқа бўлди. Бу йил ҳам ҳўжалида ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, алмашлаб екишни кенгроқ жорий этиш, туپроқда азотли ўғитларни кўпайтириш учун беда майдонини ўтган йилга нисбатан 38 гектарга кенгайтириш планлаштирилган.

Ферма ва яйловларимизда 12 минг 158 бош қўй боқилмоқда. Чорвачилик учун серташвиш бўлган қиш ва баҳор кўнларига қўйларни қўлга киритган маккажўхори-корлар аввалги йиллардагига

борди. Колхоз партия ташкилоти, правление аъзолари ва тажрибали коммунистлардан жуда кўп кишини ҳўжалининг узоқ ферма ва яйловларига бориб чорвадорларга яқиндан ёрдам беришга сафарбар этилди. Улар иштирокида қўйларни сақлаш ва парварishi яхшилаш намунаси йўлга қўйилди.

Бизга молларга берилаётган озуқаларни турли-туман вилаетларга эга бўлишга ҳартомонлама эътибор берилди. Ҳашақларни, турли концентратларни нес-қобуд қилмай молларнинг ҳолатига қараб турги тақсимланади. Қишнинг изгирини кўнларидан колхозимиз шофёрлари ҳам бизга яқиндан ёрдам беришди. Қилган меҳнатларимиз бу йилнинг дастлабки ойла, яъни ўз натижасини кўрсатди. Бўрқоқта қўйи, қўшга топирилган ҳар бир қорамол 310—330 килограммдан тош босди. Натижада квартал плани муддатидан анча илгари бажарилиди. Ўтган йили сўт бўлуи яратилди. Бера Ли, Мария Ли, Татьяна Эм ва бошқа ўртоқларнинг ҳар бири ўзларига бир-қилган 51—52 сирининг ҳар бирдан 2838—3040 килограммга етказиб серқаймоқ сўт соғиб ишлари тўла механизациялаштирилди.

Сўт соғувчилар бу йил ҳам ўтган йилдагидек катта мажбурият олиб ишламоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўз боқимларига сирлардан кўнга 8—10 килограммдан сўт соғиб олишди. Шу кеча-кўнунда қўзлатиш кампанияси ҳам қишнинг ўтмоқда. Илгор чорвадорларимиз

ҳар юз совлиқдан 115—120 тадан қўзи олишга аҳд қилганлар. Шунингдек, чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ҳам бир текис ривожлантиришга правление ва партия ташкилоти катта эътибор бериб, бизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Биз чорвадорлар беш йилликнинг тўртинчи йилида қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларининг бу йилги социалистик мажбуриятларига қўшилиб, тирик вазьда 290 тонна гўшт, 1450 тонна сўт, 29,5 тонна жун, 195 минг дона туҳум сотиш мажбуриятини олганмиз.

Шундай юксак ва маъсулйатли вазифани бажаришни дилга жо қилган ҳўжалигимиз чорвадорлари ўзаро социалистик мусобақани тобора кучайтираётirlар.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларига тўла амал қилаётган ҳамда В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини меҳнатда муносиб соғалар билан кўтиб олаётган колхозимиз чорвадорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш, қўзлатиш кампаниясини самарали ўтказишда форишчилар ташаббусига қўшилиб моллар туғини кўпайтириш, етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг таъинини аризонлаштириш, аҳоли дастурхонига янада кўпроқ чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун ҳамма тадбирларни амалга оширадилар.

М. БЕКНАЗАРОВ.
Юқори Чирчиқ районидagi «Прада» колхозининг бош чўпои.

КАЛИНИН районидagi Навоий номи колхоз чорвадорлари молларни қишдан яхши олиб чиқдилар. Улар шу кўнларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, бу соҳаларга топирилган ошириб бажариш учун курашаётirlар. Ушбу суратда илгор сўт соғувчилардан (чапдан ўнгга) Шонра Мирзабобова, Салима Хакимова ва ва Фароғат Тожибобова ўртоқларни кўриб турибсиз. Уларнинг ҳар бири ўз боқимларидagi сирлардан 2500 килограммдан сўт соғиб олишга қарор қилганлар.

Н. Тўраев фотоси.



ТОҲИР ОДИЛОВ Юқори Чирчиқ районидagi «Гулистон» колхозидa кўй йилдан бери бош чўпои бўлиб ишлайди. Унинг остида 572 совлиқ бор. Остда кўнзатиш ишлари жуда яхши ўтмоқда. Тоҳир Одилов ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олишни мўлжалламоқда. Суратда: Тоҳир Одилов.

Е. Ботиров фотоси.

ЧЎПОНЛАР ҒАЙРАТИ

Бу ҳўжалик фермаларида қорамол ва қўй-очилар отарлари кўп бўлиб, уларда тажрибали чорвадорлар шижоатли меҳнат қилаётirlар. Қишнинг оғир кўнларига колхоз правленийси ва партия ташкилоти фермаларга қўшимча кишиларни сафарбар этидилар. Айниқса, бу ишда коммунистлар бош-қош бўладилар.

Ёзда қўллаб ем-хашак тайёрланди. Шунинг учун ҳам бу ҳўжалида озуқа танқислиги сезилмади. Ҳозир ҳам ем-хашак қишлоқ охирига қадар бемалол етади.

Чорвадорларимиз, — дейди колхоз правленийсининг раиси Нурғожин Гулматов, — баланд руҳ билан ишлаштирадилар. Уларнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган отарларда чорва туғини сақлаб қолиш ва маҳсулдорлигини оширишни таъминлаётirlар.

Дарҳақиқат, чўпонлар ва мол-боқарларнинг ҳиммати баланд. Ана ўша азаматларнинг жонбозлиги туфайли давлатга гўшт

сотиш биринчи квартал планини 20 тонна ўрнига 36 тонна қилди адо этидилар. Соғин сирлардан сўт соғиб олиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Ҳа, «Қозоғистон 30 йиллиги» колхозидa ҳар йили яхши натижаларга эришаётган чорвадорлар қўллаб топилади. Масалан, Рахисбой Халилов ва Раҳимбой Қосимбоев каби чўпонлар 500 қўйни боқилмоқда. Улар бу йил ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Ҳар 100 совлиқдан 110 — 120 бошдан қўзи, ҳар бири қўйдан 3 килограммга етказиб жун қирқиб олишнинг ташаббускорини бўлишди. Уларнинг ташаббусига қўшилган чўпонлардан Исмомил Турсунбоев ва Абдулла Назировлар ҳар юз совлиқдан 110—115 қўзи олишга аҳд қилдилар.

Чорва фермаларида ишлаётган бурдоқчилар ҳам самарали меҳнат билан ҳурмат қозонишмоқда.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ райони.

ПЛАНДАН ТАШКАРИ СЎТ

Оржоникидзе районидagi «Красный Водопад» экспериментал базасининг меҳнатсевар чорвадорлари беш йилликнинг тўртинчи йилида социалистик мусобақани кучайтира бориб, давлатга сўт, гўшт етказиб беришни кўп сафини кўпайтириб боришмоқдалар. Улар давлатга квартал гўшт, сўт сотиш планларини бажариб қўйишганига аниқ бўлди. Шу кўнларда экспериментал базасининг ишчилари кичкинчи квартал ҳисобига тайёрлов пунктларига чорвачилик маҳсулотларини етказиб бермоқдалар. Улар пландаги 109 ўрнига 115 тоннадан кўпроқ серқаймоқ сўт сотдилар. Бунда Социалистик Меҳнат Ҳақрамони, моҳир сўт соғувчи Анастасия Чудина, айниқса, ҳиссаи катта бўлмоқда.

Шунингдек, райондagi «Дўрмон» совхозини сўт-товар фирмасининг ишчилари ҳам квартал сўт сотиш давлат планини анча ошириб бажаришди.

Район ҳўжаликларидa йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун бошланган ҳаракат кўндан-кўнга қизиб борапти.

И. РУСТАМОВ.

МУНОСИБ СОВГА

Дохиймиз В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги олдидан жойларда катта тарадуд қўрилмоқда. Поштахнинг Фрунзе районидagi Собир Раҳимов помли 73-мактаб ўқувчилари ҳам бу санага муносиб совга ҳозирлашмоқда.

Қишги кўнлик қўнларидa мактабнинг аълочили ҳамда айтиш ўқувчиларидан Ш. Шонасирова, М. Содирова, Х. Топилова, И. Очилдовлар Москва ва Ленинград шаҳарларига саҳафга борган эдилар. Улар Ленин яшаган ва бўлган ерларни кўриб саҳаддан катта таассуротлар билан қайтишди.

Шундан сўнг, мактабда «Ленин музейи» ташкил қилишга киришилди. Бу ишда мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Мўсаев Шуккулова бошчилиги қилди. Музей «Лениннинг болалиги ва ўсмирлик йиллари», «Лениннинг революционий фаолияти», «Ленин тиражданлар уруши йилларида» каби беш бўлимдан иборат. Музейда ўқувчилар тайёрлаган кўнра бор. Унда лампочкалар орқали дохийи бўлган ерлар кўрсатилган. Бу ерда Ленин мавзолейининг макети ҳам қўзга ташланади. Уни тайёрлашда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини студентлари ўқувчиларга ёрдам бердилар.

Мактаб радиоузели орқали «Ленин ҳафталиги» деган эшитириш ҳам ташкил этилди.

И. ЖУРАЕВА.

ТЕМИРЎЛЧИЛАР ҒАЙРАТИ

«Узбектуль» комбинатига қарашли юк орттиш-транспорт бошқармасининг азамат коллективи дохийимиз В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қиантиб, юк орттиш ва тушириш топиригини ошириб бажармоқдалар.

Транспортчилар унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар кўнлар корхоналари ва юк устини ортиш разрезидан орттирган кўнлар ва тор жинсларини белгиланган муддатда ташини ва туширишни тўла таъминлаётirlар.

Бу ишда электровоз машинистларидан А. Қашин ва Қ. Азимов сингари пешнамадор ташаббус кўрсатиб, смена топириқларини мунтазам 115—120 процентдан адо этиляпти.

И. АХМЕДОВ.

ДУНЁ ХАБАРИЛАРИ

Н. В. Подгорний визити тўғрисида Жазоир матбуотининг ёганлари

ЖАЗОИР. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийнинг Жазоир Халқ Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турганлиги ҳамда Совет-Жазоир музокара-лари бошланганлиги мамлакат матбуоти ва жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

Музокаралар дўстона ва сид-қидиллик асосида ўтказилганли-ги газеталарнинг хабарларида таъкидланади.

«Ал-мужаҳид» ва «Аш-шааб» газеталарининг бугунги сонларида Н. В. Подгорний ва Х. Бумиддин ўртасидаги музокара-лар Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасидаги ҳамкорлиқ ривож-лантиришга бағишланганлиги ўқитиб ўтилади.

Газеталар кеча тушлик зиё-фат чоғида Н. В. Подгорний билан Х. Бумиддин сўзлашган на-тижаларини босиб чиқарган.

СССР Олий Совети Президи-умининг Раиси билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси сўзлашган натижа, деб ёзда «Ал-мужаҳид» газетаси, кўп-гина халқро масалалар юзасидан ҳар иккала мамлакатларнинг қарашлари муштарак эканлигини кўрсатди.

«Вьетнам, Фаластин ва Африка масалаларида Москва билан Жазоир мазлум халқлар тарафидан туриб, империализмга қарши курашда сўзсиз қатнаш-моқдалар», деб таъкидлайди га-зета.

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

РИМ, 29 март. (ТАСС). Ита-лия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзо-си Р. Сандри «Ринашига» жу-риналда босилган мақолада қў-йилганларига ёзда: Варшава шартномасида қатнашувчи дав-латларнинг Европадаги барча мамлакатларга муносабати кат-та аҳамиятга эгадир. Р. Сандри бу муносабат Европанинг икки қисмига ажратиб қўйган блоклар-нинг тўғилишини ёқлаб чиқа-ётган Италия коммунистлар-нинг позицияси тўғри эканлигини исбот қилади, деб таъкид-лади.

Р. Сандри Варшава шартно-масида қатнашувчи давлатлар-нинг муносабати Италиядаги сўй кучлар учун янги ташқи программани ишлаб чиқиш за-рур эканлигини тақозо этувчи далил бўлиши лозим, деб ҳисоб-лайди. Бу программа, жумла-дан, Италиянинг НАТОдан чи-қиши учун, Ўрта денгизни тиң-чилик денгизига айлантириш учун, куросизланиш учун ку-раш олиб боришни кўзда тути-ши лозим.

КОМИНТЕРННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ПАРИЖ, 29 март. (ТАСС). Парижда Жорж Кондоннинг «Коммунистик интернационал» деган китоби босилиб чиқди. Бу китоб Коминтерннинг 50 йиллигига бағишланган. Китоб-да халқро коммунистик ҳара-катга бошчалик қилган В. И. Лениннинг пролетарият револю-цион бирлиги учун, ўзе оппор-тунизмга ва сепаратларга бўл-ган қарши тиймий олиб бор-ган кураши ҳикоя қилинади.

Франция Коммунистик пар-тиясининг органи «Юманите» газетаси китоб қандайдиги тақри-зидa қўйилганларини таъкидлай-ди: коммунистлар Коминтерни мактабидa ишчилар синфини ва демократик кўнларни ўз томо-нига ўтказиб олиш учун, илгор демократия учун, социализм учун қаттиқ кураш олиб бориш-ни ўргатадилар.

Китобнинг автори Ж. Ньонь-Морис Торез номидаги инсти-

тут маъмурий кенгашининг раи-сидир. Франция Компартияси-нинг илмий тадқиқот маркази бўлган бу институт халқро ва французи ишчилар қаранати та-рихини ўрганиш билан шуғу-ланмоқда.

АРАБ ПАРТИЗАНЛАРИ- НИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

БАИРУТ. (ТАСС). «Фалас-тин «Ал-Фатах» ташкилотининг отрядлари Йордан дарёси водий-сининг шимолидаги фронт ли-нияси бўйлаб жойлашган Исро-ил ҳарбий лагерларини тўғта-тудилар, — дейилади маъку-р ташкилотнинг бу ерда эълон қилганган ахборотида.

Ахборотда ўқидиб ўтиляпти-ча, душманининг аскарлари ва техникаси оғир талафот кўрган.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ АВАНТЮРИСТИК МЎЛЖАЛЛАРИ

Исроилнинг реактив қирувчи-бомбардировчи самолётлари 26 мартда Йордания территорияси-нинг ичкери томонидa жойлашган Ас-Салта районидa Йордан қишлоқлари ва гравдан иншоотларига ваҳшиёна ҳужум қилди. Қароқчи-ларча қилганган ана шу ҳужум натижасида 17 киши ўлди ва 25 ки-ши яралор бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкило-тининг Хавфсизлик Кенгаши Йор-дания ҳукуматининг илтимосига кўра, дарҳол ўз мажлисини чақир-ди. Хавфсизлик Кенгаши Исроил-нинг Йорданияга қарши ўз агрес-сиясини давом эттиратганлигини тўғрисидаги масалани қараб чи-қишга киришди. Йорданиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилот-ига қарши Ал-Фатра Хавфсизлик Кенгашининг биринчи мажлисида нутқ сўзлаб, Исроил ҳарбийларин-нинг кейинги уч ой ичидa Йорда-ния территориясига қилаётган ку-ролли ҳужумлари доимий тус-олиб, тобора кучайтираётганлигини таъкидлади.

Исроилнинг араб мамлакатлари-га қарши агрессия ҳаракатларини кучайтираётганлигига сабаб нима? Асосий мақсад ўзгариб қолмоқда. Бу мақсад — араб мамлакатлари-да коммунистик вазиетини вужуд-га келтиришдан, араб мамлакатла-ри халқларида араб ерларини бо-сиб олган исроиллик босқинчилар-га қаршилик кўрсатиш руҳини су-сайтиришдан иборат.


Аммо бошқа сабаб ҳам бор. Исроил раҳбарлари Хавфсизлик Ке-нгашининг доимий аъзоси бўлган тўрт буюк давлат вакилларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кенгаш ўтказмагани тўғрисидаги хабарларини эшитиб саросимага тушиб қолганликларини яширмаётirlар. Франция шун-дай кенгашини чақиришни таклиф-этичган эди. Совет Иттифоқи бу так-лифни маъқуллади. Ана шу ке-нгаш Яқин Шарқ проблемасини бош-бери кўчадан олиб чиқишни ва бу районда тинчлигини муста-ҳкамлашни керак. Исроил раҳбарла-ри бу кеңгаш Тель-Авивнинг экс-пансиячилик сифати аниқ фан қи-либ ташланганлиги форум бўлиб қўйилган хавфсизмоқдалар, ни-золи масалаларнинг ҳаққоний су-ратда ҳал этилишдан кўримоқда-лар ва Яқин Шарқ проблемалари-нинг фақат Исроилнинг ўзинигина наф келтирадиган тарзда ҳал эти-лишига интиломоқдалар. Шу сабаб-дан Исроил матбуоти ҳозирламоқ-тўрт давлат кеңашининг охтироқ-тутилган ажуларини умидсизлик билан шарҳламоқда, тинчлик мақ-садларини қўзда тутган, бу ташаб-

бус барбод бўлади, деб қаромат қилмоқда. Ташқи ишлар ми-нистри Абба Эбан яқинда шон-лиқ суратда самолётда Вашинг-тонга учиб кетди. Америка мат-буотининг таъкидлаб ёзишча, Аб-ба Эбан АҚШдаги расмий шаҳ-ларини шу кеңгашда қатнашмас-лигига кўнйирмоқчи бўлади.

Йорданияга қарши қилинаётган агрессия ҳаракатлар шун-и кўрсатадигини, Тель-Авив сис-сатдонлари матбуотда пропаган-да кампаниясини олиб бориш ва тўрт давлат кеңашига халатлиқ бериш учун дипломатия соҳасидаги ҳу-ружларини кучайтириб, Исроил Яқин Шарқ проблемаларини тиңч асосда эмас, балки эърозонлиқ йў-ли билан ҳал этиш ниятида экан-лигини уруш ҳаракатлари билан исботлаб беришга уринмоқдалар.

Исроилнинг бундай ҳаракатлари авантюрист характерда эканли-гини яна-шубҳа йўзи. Тель-Авив сис-сатдонлари ўз имониётларига ор-тинча баҳо бермоқдалар. Бу сис-сатдонларнинг қўшин араб мамлакатларига қарши қилаётган босқинчилик ҳуружлари пирова-рдида уларнинг ўзларига қарши қа-ратилди.

И. Лапичний, Ю. Тиссовский, В. Васильченко. (ТАСС).



КУБА РЕСПУБЛИКАСИ. Гавана яқинидаги Кангра посёлкидаги янги поликлиника, Халқ ҳокимияти йилларида мамлакатда 200 та янги касалхона қўрилди, 7000 дан ортиқ медицина ходимла-ри тайёрланди, Кубада илгари

Пресс.—Латин.—ТАСС фотоси.

САНЪАТ ВА МАЪРИФАТ СОҲИБИ

Диктор концерти эълон қилган, «сангори акран»да ёш хонанда ва бастакор Сафаржон Исроилов пайдо бўлди. У қўлида тор билан шўх ва дилрабо «Норгулмисан» қўшиғини қўйлай бошлади.

Ҳа. Сафаржон кўпроқ дилнавоз, кишига хуш ёндиган лирик қўшиқлар ижро ва ижод этишини севди. Қўшиқ ва куйлари билан инсонлар дилбод севишти, чеҳраларида табассум барқ уришини истайди.

Сиз «сангори акран» ва радио тўқинлари орқали шоирлардан Анвар Исроилов ва Ғ. Рашид шеърларига басталанган «Нозанин» ва «Айта-йин» қўшиқларини бир неча бор эшитгансиз. Бу қўшиқлар ҳам унинг репертуаридан ўрин олган.

Хушовоз қўшиқчи айтиб беришда мураббий ҳамдир. У бир неча йиллардан бери республика махсус музика ва рассомлик мактаб-интернатида бадиий раҳбар ҳамда директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда.

Моҳир педагогнинг донм иш устида учратасиз. У музика туғилари билан машғулотларнинг янги методлари ҳақида суҳбатлар ўтказиб туради. Ёш педагог надрлар билан тақрибсини ўртоқлашади. Янги куй ва қўшиқлар басталади. Яқинда «Зухра» номли қўшиқ ёзди.

З. ШОМАНСУРОВА

“КОСМОС” МОНУМЕНТИ



Суратда: монумент қурилишида.

Жаҳонда биринчи космонавт-учувчи Юрий Алексеевич Гагарин номиди паркда яна бир қувончли тадбирга қўл уришди. Бу ерда «Космос» монументини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозир парда бўлган киши қизини меҳнат шохиди бўлади. Уни лаб архитекторлар ва қурувчилар парк жамолани очибга — Анҳор ёқасида фазонинг тўнғич шунқори Ю. А. Гагаринга абадий ёдгорлик ўрнатилган бўлганлар. Қўшиқчи бунёдкорлар ҳузурида бўлиб, Архитекторлар ва қурувчилар ҳикоясини тингларканми, кўз олдида бўлажак манзара гавдаланади.

Кўм-кўк арчалар ва манзарали дархатлар билан ўралган кўркем боғ ўртасида 15 метрлик зинадан юқори кўтариламан. Қаршимизда неча мартабача кескиз фазога совиёт лочинларини йўлаган машҳур «Бойконур» космодром намоян бўлади. Космодром бир неча квадрат метр майдонини эгаллаган. Космодромда Ю. А. Гагарин баъзе фазонинг тўнғич шунқори Ю. А. Гагаринга абадий ёдгорлик ўрнатилган бўлганлар. Қўшиқчи бунёдкорлар ҳузурида бўлиб, Архитекторлар ва қурувчилар ҳикоясини тингларканми, кўз олдида бўлажак манзара гавдаланади.

Космодромда Ю. А. Гагарин баъзе фазонинг тўнғич шунқори Ю. А. Гагаринга абадий ёдгорлик ўрнатилган бўлганлар. Қўшиқчи бунёдкорлар ҳузурида бўлиб, Архитекторлар ва қурувчилар ҳикоясини тингларканми, кўз олдида бўлажак манзара гавдаланади.

А. Абалли фотоси.

ҲАМЗА ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳақимзода Ниязйўл туғилган кунининг 80 йиллигига тайёргарлик кўрувчи республика комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Комитет составида республикадаги атоқли фан ва маданият арбоблари, министрликлар, идоралар ва ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари бор.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Райсининг ўринбосари

жангчилар шарафига Оққўрғонда қад кўтарган монументини яратилган ҳам шулар қатнашган.

«Космос» кимлар қўли билан яратилган, дейсизми? У «Гавташкентстройининг» 159-трестига қарашли 8-қўрилиш бошқармаси қурувчилари қўли билан қад кўтарилган. Ансамблини яратганда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Николай Милонов, архитектор Фарҳод Турсунов ва ҳаққалтарош Юрий Орехов ўртоқлар ҳам қатнашмоқдалар.

Шубҳа йўқки, бу ерга келувчи ҳар бир киши космос шунқорлари жасоратига яна бир бор таҳсинлар айтади.

М. ЗАРИПОВ.

С. О. Азимов раислигида ўтган бу мажлисда бир қанча ташкилий масалалар қараб чиқилди. Ҳамза Ҳақимзода Ниязйўлнинг 80 йиллигига бағишланган юбилей таътаналарини 1969 йил куз фаслида ўтказишга қарор қилинди.

Филология фанлари доктори, профессор Л. П. Қазимов юбилей комитетининг масъул секретари қилиб тасдиқланди. (ЎзТАҒ).

Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилмоқдалар

АКА-УКА ПОСБОНЛАР

Улар ана-уна.

Суратга қаранг-а, бир-бирларига жуда ўхшабди. Уларнинг исмлари ҳам монанд. Ғолиб ва Зафар.

Бу исмлар қачон расм бўлиб кетганини билмасан, Уларнинг ёшлари сўрасан ҳам билса бўлади. Бордию, сўриштириб қолсангиз:

— Ҳафзагарчилардан кейин туғилганми, — дейишди ҳақиллашиб.

Ҳа, Ғолиб ва Зафарларнинг паспортига урушдан кейинги йилларнинг муҳри босилган. Нигитлар отаси ва акасининг изидан боришмоқда. Уларнинг дедаси Тулаган ака Совет фронтда жанг қилган, ўзбек турунлардан Берлингагача ёни қўвиб борган киши. Ўзбек журналистлари матбуотимизнинг кеска авлодига мансуб бўлган Тулаган акани яхши билишди. У ҳозир заҳасдан майор.

Биз ўртоқ. Соатовнинг ҳаммага братири жанговар ва меҳнат йўли ҳақида тўхталиб ўтирмоқчи эмасми. Бугун унинг изидан бораётган акайон фарзандлари ҳақида сўзламоқчимиз.

Ғолиб ҳам, Зафар ҳам, айтиш мумкинки, Совет Армиясининг энг олдинги сафида хизмат бурчини ўтамоқда. Ғолиб Куролли Кучларимизнинг энг замонавий ва айтиш «қанда душманлар учун энг даҳшат олувчи турли жангчи, Зафар — чегарачи. Чегарачи бўлганда ҳам ҳозир барча ватандошларимиз, халқимиз кўз-қўлоқ бўлиб турган ҳаммамиз, диндорнинг тортиб турган томонда посбон.

Ғолиб — яқинда отпускка кетди. Раҳмани, ҳамма жангчига ҳам отпускка берилавермайди. Қўмондонларнинг топшириқлари муваффақиятли бағларган нигитларига шундай рағбатлангилар.

Фурсатдан фойдаланиб, у билан суҳбатлашамиз.

Ғолиб каллам. Ичимдагини топ, дейдиганлардан бўлмаса ҳам, қўй тенгқўрларига ўхшаб сўзга сарий ҳам эмас. Ҳа, ҳа, қанда гапирмайди. Аммо дўстлари, қўл, остидагилар ҳақида фахрларини сўзлайди.

Дарвоқе, унинг сафдошларининг акасининг хамшаҳарларимиз. Ғолибнинг расмийдаги оператор Юрий Подуни, олестроганини бошқини, сержант Бахриддин Усмонов, машина ҳайдовчиси, Владимир Федоров ва Пинқолай Воробьевларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Улар Тошкентдаги қурилиш техникумида ўқишган. Ғолиб эса кино техникумида. Айни чоқда у «Ўзбекфильм» студиясида киномеханик ҳам бўлиб ишлайди.

Еш жангчи уқувчилигига экан, Мураккаб техникани қийналмай ўргана, бошлайди. Бунда расмий қўмондонлар, сержант Виктор Подлесний қиёнда ёрдам бериб, умуман, қисмдаги нигитларнинг ҳаммаси эришган муваффақиятларига эришган.



қиятлари учун биринчи галда ана шу устозлардан беҳад миннатдор бўлиб таърифларди.

Ғолиб ишдагиларнинг техника раҳмомеханика, автомата, киниктириб, ҳар қандай огир нигизлик фаилларини пухта эгаллашни талооз этади.

Еш жангчи дарсларда саботматот билан ўқиб-ўрганибди. Хизматга боради билдиб у айтиш жангчи номини олди, айтиш ратларининг ишлан принципини ўрганиб олган. йигитга класс мутахассиси значоги топирилди.

Тақрибли командир сержант Виктор Подлесний қисман кетганда кўмондонлик унинг ўрнига ҳеч иккинчилай Ғолибни қўйди.

Еш расмёт командирини ўз қўли остидагиларини янги муваффақиятларга етаклай олди.

Расмётдагиларнинг ҳаммаси интизомли, устоз талабларини тўла-тўқис бажарадиган, техника билан беҳато бошқарадиган бўлиб қолган. Нигитлар станцияни тез ва намунали ишга



Суратда: А. МУСАЕВ; Ғолиб ва Зафар.

ШАҲАРЛАРА АТОМАТ ТЕЛЕФОН

Тошкентдаги шаҳарларара гап-лашадиган атоматик телефон пунктига, Ашхобод ҳам тушди. Энди телефончи қизга мурожаат қилмасдан туриб, Ўрта Осиё республикаларининг барча пойтахтларидаги абонентлар билан алоқа қилиш мумкин.

Атомат телефонлар эндиликда тошкентликларга Совет Иттифоқининг қарийб элликта шаҳари билан гап-лашани имконини беради. Гап-лашани пунктининг салоҳида ҳозир ўн-ўн-ўнча аппарат ўрнатилган. Москва билан алоқа қилганда қўшмача каналлар қўйилтирилган.

Тошкентликлар шартли кодлардан фойдаланиб, Киев, Свердловск, Харьков, Оренбург атоматик транзит узеллари орқали Ўзбекистон пойтахти билан бевосита болганман бир напча шаҳарларга ҳам қўнғироқ қила оладилар.

(ЎзТАҒ).

ҚИСКА ХАВАРЛАР

ЯНГИ КЛУБ

«Қорасу» совхозининг ишчилари акайон совга олишди. Совхоз марказида 300 ўринли клуб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мадаинат ўчоғи ҳамма керакли буюмлар билан жиҳозланган.

ЛЕНИН ЗАЛИ

Максим Горький номиди 89-мактабда Ленин зали ташкил қилинди. «Илқининг ёлғиз», «Ленин ва Октябрь», «Ленин, Совет ҳомиятининг асосчиси ва ташкилотчиси» деган тасвирлардан тенчлар-авадди ўрин олган. Бу ерда Раҳимжон Ёкубинов, Зилпир Эшмазиев, Деҳқоний Парвез, Дўррабон Махсумов каби ўртоқлар Ленин ҳақида қизиқари ва мамунли суҳбатлар ўтказиб туришди.

ОДАМИЙЛИК ҲАҚИДА ҚИССА

«Ўзбекистон» нашриёти Ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг «Одаимийлик қиссаси» деб аталган китобини нашрдан чиқарди.

Китобда инсонга оид жуда кўп фазилатлар бирма-бир санаб-таърифлаб берилади. Меҳнатсеварлик, маданиятлик, ширинсузлик, оқуқиллик, сева, ифрат, ҳаё, одоб, фарзандлик, бурчи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қиссада баён этилган ҳар бир воқеа, ҳар бир мисол ва фикр шундай усталик билан тасвирланган, худди ёзувчи китобхон билан юзма-юз суҳбатлашгандек, самимий сўзлашаётгандек. Аҳдоқ ҳақидаги ахволат билан тўла бу қисса китобхонларга манзур бўлади.

Р. ТИЛЛАЕВ.

Совет хоккейчилари жаҳон чемпиони

Ўтган якшанба кўни барча хоккей ишчибозларининг диққат-эътибори Стокгольмдаги жаҳон чемпионати бўлиб, Ўзбекистон футболлари бўлиб, СССР ва Канада терма командалари ўртасида охириги матчга жадаллар кимга тегиши мумкин бўлиб турган эди. Бу мусобақа олимпиада турнир жадалларида шундай вазият кузюбга келган эдики, бир очко ва бир шайба бутун чемпионат давомида қилган ҳаракатини юзага чиқарар ёки пуч қилиб қўларди.

Совет хоккейчилари бу учрашувда фақат галаба қилган тақдирини чемпионлик номини сақлаб қолдилар. Ватандошларимиз бу вазифанинг улдасида чиқа олдилар. Уларнинг галабаси шведияликларин олтин медалдан, чехословакияликларини кумуш медалдан маҳрум этди.

СССР терма командаси мажлиси ишчибозлар томонидан ўр қўлаб-қувватлаб турган кинадиларига қарши қийин «жанг»ни 4:2 ҳисобида ўз фойдасига қил қилди. Совет спортчиларидан Михайлов (2 марта) Ромишевский ва Мальцев шайба кўришди.

БИРИНЧИ ТЎСИҚДАН ЎТИЛДИ

«Политотдел» колхози футболчилари 29 март кўни СССР Кубоқининг дастлабки учрашувини муваффақиятли ўтказдилар. Улар Лениноблодин «Помир» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида галабача эришдилар. Ягона тўпин колхоз команди

дасининг ҳужумчиси Доронин 70-минутда киритди. «Политотдел» фахрий мукофот учун навбатдаги мусобақани «Шахтёр» (Қараганда) — «Широқ» (Ленинскан) учрашувини Ғолиб билан ўтказди.

„БОЙЧЕЧАК“ ТБИЛИСИ ДИНАМОЧИЛАРИДА

«Советский спорт» газетасининг «Бойчечак» мукофоти учун бу йил 22 та команда қураш олиб борди. Кубоқнинг финал мусобақасига Тбилисининг «Динамо» ва Днепронетровскнинг «Днепр» коллективлари чиқишган эди. Ўтган шайба кўни финалчилар Сочи шаҳрида

беллашибди. Грузин футболчиларининг астергани С. Мегревели 61-минутда раишлар дарвозасини аниқ ишонига олиб, командасига фахрли совринини олиб берди. Матчнинг бу мукофот ўтган 1967-1968 йилларда Москва динамочиларига теккан эди.

ПОЛВОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Кишннен шаҳридан хушхабар келди. Молдавия пойтахтида ўтказилган Бутуниттifoқ туринида республикалик полвонлари муваффақиятли қатнашдилар. Талланги рус паллавоши Иван Занкин хотираси учун ўтказилган бу туринда мамлакатнинг 200 дан ортиқ эркин курашчиси қатнашди.

Ўзбек спортчилари команда ҳисобида фахрли иккинчи ўринни олдилар. Улар гўртва медал билан тақдирланди. Тошкент физкультура институтининг студенти С. Ходев энг енгил вазида мискилик полвон А. Левкоев устидан қиройил галаба қозониб, эсдалик медалини қўлга киритди.

Мастерлардан К. Асроркулов ва Г. Дзахсоровлар ҳам юксак маҳоратларини намойиш қилишди. Енгил вазининг К. Асроркулов биринчи ўринни, К. Асроркулов эса унинг ўринини эгаллади. Ёпиричи ярим ўрта вазнда Л. Шинилова ҳам тенг рақиб топишмади. Фахрли спорт мастери Е. Колтунов ярим оғир вазнда учинчи, оғир вазнда А. Буторский биринчи мукофотли ўринини қўлга киритди.

Энди ўзбек полвонлари апрель ойида Таллинда бўладиган халқаро туринга тайёргарлик кўришмоқда.



Жаҳон ва Европа чемпионоларининг олтин медаллари яна совет хоккейчилари қўлида. Суратда: Швецияда ўтказилган жаҳон биринчилиги ғолиблари — СССР терма командаси. (ТАСС фотохроникаси).

Реклама Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — Москва кўрсатади

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 — Телеянгилар, 18.15 — Болалар учун кинофильм, 18.25 — «Пропангандист» тележурнали, 19.00 — «Гоголь» ва театр, 20.00 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.05 — Ун минут музика, 20.15 — Телеянгилар, 20.30 — Сихат-саломатликни программаси, 21.10 — Концерт, 22.10 — Ҳа ва мезбон (бадиий фильм рус тилида, фанат катталар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Олмаот кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Самбо ҳақида репортаж (рус тилида), 21.00 — Классик музика саҳналарини (Ўзбек тилида), 21.40 — Н. В. Гоголь туғилган кунининг 160 йиллиги оидидан (рус тилида).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/IV да Аянонларим, 2/IV да Замон драмеси, 3/IV да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИН НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да Нурхон, 3/IV да Гули снх.

КИНО

Қишлоқ детективи — «ЎЗБЕК-КИНО», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Кўлга тушмас ҳасоскорларнинг янги саргузаштлари — САНЪАТ САРОНИ «ЧАНКА» (кундуз ва кечурун).

Янги келган қиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Асримиздан миллион йил илгари — НАВОНИ номли ТЕАТРДА — 2/IV да Нурхон, 3/IV да Гули снх.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1969—1970 йил сиртки бўлимида.

УКУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти болалар богчасига мураббийлар тайёрлайди. 8—10 синф маълумоти бор ва шу соҳада ишловчилар қабул қилинади.

Кирувчилар: она тили (ёзма), математика (оғзаки) дан имтиҳон топирилади.

Директор номинга ёзилган аризага қуйидаги ҳуқуқлар қўшиб топирилади: маълумоти ҳақида (асли ва нусхаси), 3 та фотосурат (3х4), таринман холи, характеристика, медицина справкаси (№ 286 форма), турар жой ва иш жойидан справкалар; меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатлар-1 апрелдан қабул қилинади.

Мурожаат ўчун адрес: Тошкент шаҳар, Красноосточный кўчаси, 112 уй (т. 2, 13, 16, 74, 78 автобусларнинг «Троллейн» бўлиши) бекати).

Тошкент област партия комитети ва област иккинчи комитети област ипачилик бошқармасининг бош агрономи

Мир Усмонович

АЗИЗОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент област ипачилик бошқармаси коллективни бошқарманин бош агрономи

Мир Усмонович

АЗИЗОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-муҳбирлар унйверситети тингловчиларининг навбатдаги машғулот 2 апрель, чоршанба кўни ўтказилди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ.

Янош Ревен билан Сара биргалнида бахтли умр кечиршида барча ренордларини орада юлдиришди. Улар Венгриянинг Страдова деган кичини қишлоғида туғилди, уша ерда вафот этишди. Янош 172 йил, Сара эса 164 йил умр кўриб, 1825 йил, бир нунда вафот этишди. Улар умрининг 147 йилини бирга ўтказдилар.

Ер юзида америкалик Ганс-Ланостининг соқили энг узун ҳисобланади. Ганс 3 метр 45 сантиметр келадиган соқилини ҳаммиза тахлал ва боғлаб юради.

Бомбейлик Масудий Диннинг мўйлаби эса 193 сантиметрга етади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Гашкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495, Редактор ўринбосари — 835885, 836232, Матбуот секретари — 834808, Пропангандист, адабият ва санъат бўлимлари — 831936, Санъат, транспорт ва кўрилиш бўлими — 833786, Партия гуруҳи, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Кишлоқ ҳўналиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртилари бўлимлари — 839050, Совет нурилиши, маъшии кизмат ва шахар ҳўналиги бўлими — 838761, Катталар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказини Комитети бирлашган нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02848. ИНДЕКС — 6469. 5—2249.